

VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 15982 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2412 тага кўпайган.

2020 йил январь-мартида ялпи худудий маҳсулотнинг 43,9 фоизи (2019 йил январь-мартида 42,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 653,1 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 19,5 фоизи) ташкил этди;(саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2416 тани ташкил этди)

- 830,6 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 96,4 фоизи) ташкил қилди;(қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2135 тани ташкил этди)

- 796,3 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 62,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 110,9 фоизни ташкил этди;

- 596,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 88,6 фоизи) бажарилди ва 2019 йилнинг январь- мартаға нисбатан 1,8 фоизга қўпайди; (қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2172 тани ташкил этди)

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 1,9 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 88,2 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 1,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,6 фоизи) кўпайиши таъминланди; (транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 833 тани ташкил этди)


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,4 фоизи ёки 1273,7 млрд. сўми (ўсиш 4,1 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 53,3 фоизи ёки 796,2 млрд. сўми (ўсиш 6,2 фоиз) шакллантирилди; (савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 4381 тани ҳамда хизматлар соҳасида 1152 тани ташкил этди)

- 17,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 20,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 25,8 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 70,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди. (ҳисобот даврида 75 та кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт ҳамда 171 таси томонидан импорт операциялари амалга оширилди).

**2020 йилнинг январь-март кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидағи улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқхўжалиги	830,6	96,4
Саноат	653,1	19,5
Курилиш	596,2	88,6
Чаканасавдо	1273,7	89,4
Юқ ташиш, млн тн.	3,5	80,5
Йўловчиташиш, млн.кииши	30,3	97,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	17,5	20,1
Импорт, млн. АҚШ долл.	25,8	70,6


**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик
тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фойз ҳисобида)**




2020 йил январь-март ойларида 926 та кичик корхона ва микрофирмалар (дехқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (1282 та) 72,2 фоизни ташкил этди.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо тармоғида (барча рўйхатдан ўтганларнинг савдо (32,9 %), саноат (20,2 %), қурилиш (10,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (16,6 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (6,1 %) ҳамда ташиш ва сақлаш (3,4 %) ва ахборот ва алоқа (1,8 %) иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган.


**2020 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши
(дехқон ва фермер хўжаликларисиз, жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**



2020 йилнинг январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми




2020 йилнинг январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари



Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан чакана товар айланмаси ҳажмида Нукус шахри (317,6 млрд. сўм), Хужайли (137,6 млрд. сўм) ва Беруний (136,0 млрд. сўм) туманлари етакчилик қилмоқда.

2020 йилнинг январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да хизмат кўрсатиш ҳажми ва ўсиш суръатлари




2020 йилнинг январь-март ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши 43,9 фоизни ташкил қилиб, 2019 йилнинг мос даврига (42,8) нисбатан 1,1 фоизга купайди.

Саноат ишлаб чиқариш соҳасининг юқори улуши Қораўзак, Муйинқ Шуманай ва Элликқалъя (жами ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши (100,0%), (100,0 %), Чимбой (96,8 %), ва энг паст улишли Нукус шахри (5,5) туманларига тўғри келади.

Хизматлар соҳасида туман бўйича жами хизмат кўрсатиш ҳажмида кичик тадбиркорликнинг юқори улушлари Қораўзак (жами хизматлар ҳажмига нисбатан улуши 97,2 %), Қонликўл (96,9 %), Беруний (97,2 %), Шуманай (96,1 %) Нукус тумани (96,1 %), Тахтакўпир (95,4%) Кегейли (95,6 %) ва Тўрткўл(94,6 %) туманларига тўғри келди.


**2020 йилнинг I чорак учун иқтисодий вазиятни баҳолаш,
фоиз ҳисобида**



Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан 2020 йил I чорак якунларига кўра иқтисодий фаолият турлари бўйича янгидан ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, респондентларнинг 25,9 фоизи иқтисодий вазиятни қулай, 60,0 фоизи қоникарли ва 14,1 фоизи қоникарсиз деб баҳолаши кузатилди.

Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларга бизнес мухитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳоланаётганлигини хулоса қилиш мумкин.